

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 1 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL
SCIENCES**

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазратқулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исламутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвакт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – психология фанлари доктори (DSc), доцент. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузур Ҷавлат бошқаруви академияси;

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиги.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содикова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иктисадиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси хисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Шаисламова Наргиза Кабиловна*
КОРХОННИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК
ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 7-20

- Mavru洛va Nilufar Abduxalilovna*
TIBBIY SUG'URTA: AMALDAGI TURLARINI RIVOJLANTIRISH VA MAJBURIY
TURINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI 21-29

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

- Маматқулов Давлатжон Махаматжонович*
ИСЛОМ ФОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ 30-36

- Umarjonov Sohibjon Soyibjon o'g'li*
IBN SINONING "ISHORALAR VA TANBEHLAR" ASARI VA POSTKLASSIK ISLOM
FALSAFASINING BOSHLANISHI 37-50

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

- Ahmedov Oybek, Tilavova Malika*
SEMANTIC STRUCTURE OF WORDS RELATED TO EDUCATION IN
ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES 51-62

- Ашуррова Ситора Эркиновна*
ВАЖНОСТЬ КОМПЬЮТЕРОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВ 63-69

ЮРИДИК ФАНЛАР

- Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи*
СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА 70-77

- Авезова Элеонора Парахатовна*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ
ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ 78-86

- Ахмедова Шахноза Озоджоновна*
СООТНОШЕНИЕ ОЦЕНКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ 87-95

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

- Tashpulatov Farxad Alisherovich*
GANDBOLCHILAR O'YIN FAOLIYATI SAMARADORLIGINI HAR TOMONLAMA
BAHOLASH METODIKASI 96-104

<i>Парманов Абулқосим, Абдурашидова Мавжуда</i>	
ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ҲАҚИДА	105-110
<i>Hamrayeva Zuhro Bahodirovna</i>	
BOLALARNI GO'DAKLIK DAVRIDAN SUZISHGA O'RGATISH ORQALI JISMONIY RIVOJLANISHINI TAKOMILLASHTIRISH	111-119
<i>Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи</i>	
ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИХАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	120-126
<i>Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна</i>	
АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛҒУСИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА	127-135
<i>Shermatov Gulom Kaxxorovich</i>	
“5-1” HIMOYASINI BAJARISHDA GANDBOL O'YINCHILARINING TAKTIK O'ZARO TA'SIRI	136-143

Юридик фанлар

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи

Тошкент давлат юридик университети
докторанти, PhD

СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРХЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.47390/1342V3I1Y2023N7>

Аннотация: Конституциявий ва ҳуқуқий нормаларни шархлаш ҳужжатларининг ҳуқуқий табиати муаммоси бўйича иккита асосий нуқтаи назар мавжуд. Улардан бири, шархлаш ҳужжати ўз моҳиятига кўра ҳуқуқ нормасининг ҳақиқий маъноси ва мазмунини белгилаши, тушунтирилаётган қоидага ҳеч қандай янгилик киритмаслиги керак. Унинг асосий вазифаси мавжуд нормаларнинг мазмунини тушунтириш ва аниқлаштиришdir. Бошқа нуқтаи назарга кўра шархлаш ҳужжатларининг норматив хусусиятини тан олишдан иборат. Муаллиф юқори суд пленумларининг моҳиятини таҳлил қилиш асосида суд шархлаш ҳужжатлари конституциявий судлов предмети бўлиши масаласини кўриб чиқади. Мақолада шунингдек, Олий суд Пленуми қарорларининг ҳуқуқий моҳиятини ва уларнинг суд амалиётининг бир хиллигини ўрнатишдаги ролини аниқлашнинг айрим назарий муаммоларига бағишиланган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ манбаси, Олий суд Пленуми қарори, суд амалиёти, ҳуқуқни қўллаш, шархлаш, конституциявий судлов обьекти

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи
Докторант Ташкентского государственного
юридического университета, (Phd)

АКТЫ СУДЕБНОГО ТОЛКОВАНИЯ ПРАВА КАК ОБЪЕКТ КОНСТИТУЦИОННОГО ПРАВОСУДИЯ

Аннотация: Существуют две основные точки зрения на проблему правовой природы документов, интерпретирующих конституционно-правовые нормы. Один из них состоит в том, что толкование должно определять истинный смысл и содержание правовой нормы по ее существу, а не вносить в разъясняемое положение никакой новой информации. Его основная задача состоит в разъяснении и уточнении содержания существующих норм. Другая точка зрения заключается в признании нормативного характера интерпретационных документов. Автор рассматривает, могут ли акты судебного толкования выступать предметом

конституционного правосудия, на основе анализа природы пленумов высших судов. А также, статья посвящена некоторым теоретическим проблемам определения правовой природы постановлений Пленума Верховного Суда и их роли в утверждении единства судебной практики.

Ключевые слова: источник права, решение Пленума Верховного Суда, судебная практика, применение права, толкование, предмет конституционного судопроизводства

Abdullayeva Maftuna Murot kizi

PhD, The doctoral student of
Tashkent State University of Law

ACTS OF JUDICIAL INTERPRETATION OF LAW AS A SUBJECT CONSTITUTIONAL JUSTICE

Abstract: There are two main points of view on the problem of the legal nature of documents interpreting constitutional and legal norms. One of them is that the interpretation should determine the true meaning and content of the legal norm in its essence, and not introduce any new information into the provision being clarified. Its main task is to clarify and highlight the content of existing norms. Another point of view is to recognize the normative nature of interpretive documents. The author examines whether acts of judicial interpretation can be the subject of constitutional justice, based on an analysis of the nature of the plenums of higher courts. And also, the article is devoted to some theoretical problems of determining the legal nature of the decisions of the Plenum of the Supreme Court and their role in establishing the uniformity of judicial practice.

Key words: source of law, decision of the Plenum of the Supreme Court, judicial practice, application of law, interpretation, object of constitutional litigation

Хуқуқни шарҳлаш ва тушунтириш фаолияти суд фаолиятининг ажралмас кисми ҳисобланади. Судлар муайян ишларни кўриш жараёнида нафақат қонунчиликни қўлланиши жихатидан, баки ташкилий-хуқуқий масалалар юзасидан ҳам тушунтиришлар бериб ўтади. Судларнинг тушунтириш фаолияти – қонун билан тартибга солинадиган судларга кўрсатма бериш билан боғлиқ иродавий фаолиятдир. Шарҳлаш ва тушунтириш фаолиятининг асосий мақсади – судлар томонидан қонунларни бир хилда ва аниқ қўлланилишини таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида суд амалиётининг долзарб масалаларини кўриб чиқади ва қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар беради.

Судлар томонидан тушунтириш фаолияти индивидуал-хуқуқий, ҳамда бевосита муайян бир ишдан келиб чиқиб белгиланади. Судлар томонидан тушунтиришлар бериш фаолияти норматив хуқуқий характерга эга эмас ва айни пайтда хукуқ манбаси ҳисобланмайди. Чунки шарҳлашнинг олтин қоидаси

мавжуд бўлиб, уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Бироқ айрим пайтларда муайян масалаларда ҳуқуқдаги бўшликлар мавжуд бўлган ҳолларда Олий суднинг тушунтиришлари “вактинчалик тартибга соловчи нормага” айланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Яъни Олий суд томонидан бериладиган тушунтиришлар норматив хусусиятга эга бўлиши мумкин. Мана шундай жараёнда конституциявий назоратга эхтиёж туғилади. Олий суднинг тушунтиришлари конституциявий назорат объекти бўлиши мумкинми?

Илмий ва юридик адабиётларда конституция; қонунлар; бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар; халқаро шартномалар; суд қарорлари; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари; партия қарорлари; жамоат бирлашмаларининг қарорлари миллий хуқуқий тизимдаги норматив ҳуқуқий-хужжатларни ҳамда референдум орқали қабул қилинган хужжатларни конституцияга мувофиқлигини (айрим мамлакатларда ҳуқуқий хужжатнинг қабул қилиши процедурасини ҳам) назорат қилиш; ҳуқуқдаги бўшликларни баратараф этишга оид иш юритиш; халқаро шартномалар ва улардан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилиши; ҳокимият органлари ўртасидаги ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш; парламентни тарқатиб юборишга асос бўлган ҳолатларни қайд этиш; конституциявий жавобгарлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.лар конституциявий судлов объекти сифатида қайд этилади.

Олий суднинг тушунтиришлари конституциявий назорат объектига киритиш масаласини *бир томонини* мухокама қиласидиган бўлсак, назарий жиҳатдан олиб қараганда, судлар томонидан бериладиган тушунтиришлар ўз мазмунига кўра ҳуқуқни қўллаш хужжати бўлиб, у янги бир норма ёки қоида ўрнатмайди, аксинча мавжуд норма мазмунини ёритиб беради. Бундан ташқари қонун ёки қоида яратиш суд фаолиятининг асосий мақсади хисобланмайди ҳамда ҳокимиятлар бўлиниши, ваколатлар тақсимланиши, қонунийлик принципига зиддир. Ҳуқуқшунос олим А.Т.Боннер, суд органларининг фаолиятида олий суд инстанцияларининг алоҳида хужжатларида ўз аксини топадиган умумий ҳуқуқий қоидалар шаклланади. Мазкур қоидалар амалдаги қонун нормасини аниқлаштиради, чунки суд фаолиятининг мустақиллиги билан мазкур қоидалар қонунни қўллаш хусусиятига эга бўлади ҳамда қонунга мувофиқ курилади. Шу сабабли мазкур фаолият ҳуқуқ манбасига эмас ҳуқуқни қўллаш, яъни шарҳлаш соҳасига таалуқлидир [1; 19-б.] деб қайд этади. В.В.Демидов Олий суднинг суд амалиёти масалаларига ойдинлик киритиш ваколатлари ҳуқуқийдир, акс ҳолда уларни қонунда мустаҳкамлашнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида савол туғилган бўлар эди. Россия Федерациясининг Конституциявий суди Олий суд Пленумининг қарорларини Конституциявий суд томонидан мустақил текшириш

предмети бўлиши мумкин бўлмаган ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжати деб хисоблайди деб қайд этади [2; 3-5-б.].

Муайян бир ҳужжат норматив ҳужжат бўлиши учун эса ўзига хос қабул қилиш тартиб-таомилига эга бўлади. Хусусан, Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга, қонун мақомига эга бўлади. Олий суд Пленумининг қонунчиликни қўллаш бўйича ҳужжатлари эса ўзига хос тартибда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Қорақалпогистон Республикаси суди ва Қорақалпогистон Республикаси маъмурий суди раисларидан иборат таркибда иш юритади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Судьялар олий кенгаши раиси, Бош прокурори, аддия вазири, Адвокатлар палатаси раиси, судьялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

Олий суд Пленуми суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради. Ҳақли савол туғилади Олий суд Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини қўллаш мажбурийми? Бу борада қонун ҳужжатларини таҳлил қилсак, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпогистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпогистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раисларининг қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси *Олий суди Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлари бажарилиши* хақидаги маърузаларини эшитади; иккинчидан қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси *Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиши берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир* каби қоидаларнинг мавжудлиги Олий суди Пленумининг тушунтиришларини судлар учун ҳам муайян қонунчилик қўлланилаётган субъектлар учун ҳам мажбурий деган холосага келишимиз мумкин.

Масаланинг иккинчи томонига қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари ҳуқуқдаги бўшликлар мавжуд бўлган ҳолларда қонун ёки аналогияни қўллаш орқали ҳукуқ ижодкори сифатида намоён бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Н.В.Акаёмова М. З.Чейшвилилар: Яна бир тенденцияни қайд этиш жоиз. Россия Федерацияси Олий суди Пленуми қарорларида ва Россия Федерацияси Олий Ҳакамлик суди Пленумининг ўз кучини сақлаб қолган қарорларида белгиланган ҳукуқий позициялар, баъзан факат қонун нормаларини шарҳлабгина қолмай, уларнинг мазмунини ва қўллаш тартибини кўрсатган ҳолда, лекин аслида янги нормаларни белгилайди [3] деб қайд этади.

Мазкур фикрлар ҳукуқшунос Г.Б.Евстигнееванинг фикрларида аниқроқ ёритиб берилади. Хусусан: Ҳукуқ манбалари (тўғри маънода) бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Иккиламчи бу расмий матнлар бўлиб, уларда асосий норматив-ҳукуқий тушунчалар ишлаб чиқилади, аниқлаштирилади, конкретлаштирилади, шарҳланади. Хусусан, ҳукуқнинг бирламчи манбаларини норматив талин қилиш бўйича суд хужжатлари иккиламчи ҳукуқ манбалари бўлиб, улар де-юре талқин қилинаётган хужжатнинг кучига эга бўлса-да, де факто қўпроқ кучга эга. Бундан ташқари, ҳукуқнинг иккиламчи манбалари бирламчи манбаларнинг маъносини ўзгартириши мумкин, бу қўп ҳолларда амалиётда ҳам содир бўлади [4; 24-б.].

Таъкидлаш жоизки, Олий суд Пленумининг тушунтиришлари амалиётда жуда катта аҳамиятга эга. Яъни баъзан қонун барча масалаларни ҳам қамраб ололмаслиги, ҳамма саволларга жавоб бермаслиги мумкин. Баъзан қонун хужжатлари бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин. Мана шундай ҳолатларда ҳукуқни шарҳлаш хужжати қонунларни бир хилда қўллаш ва тушунишда муҳим рол ўйнайди ҳамда баъзан норматив қоидалар ўрнатади.

Бу борада рус олими К.М.Худолей хорижий давлатлар қонунчилигига суд хужжатлари конституциявий назорат обьектига (Молдова, Беларус, Озарбайжон) киришига эътибор қаратади. Муаллиф Россия Федерацияси Конституциявий судига юкори суд инстанцияларининг хужжатларини (масалан, пленумларнинг қарорларини) кўриб чиқиш ҳукуқини бериш мантиқан тўғри деб хисоблади, чунки улар аслида норматив хусусиятга эга. Унинг фикрича, Россия Федерацияси Олий суди ва Олий ҳакамлик судининг хужжатларини конституцияга зид деб топиш имконияти Россия Федерацияси Конституциявий суди қарорларининг бажарилишига ва умумий юрисдикция судлари ва ҳакамлик судлари томонидан унинг ҳукуқий позициясига риоя этилишига ижобий таъсир кўрсатади[5; 12-б.].

Ўзбекистонда қонун билан тартибга солинмаган, аммо Пленум қарори билан тартибга солинаётган масалалар борми?

Олий суд Пленумининг Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида 12-сон қарори, Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида 27-сон қарори, фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида 35-сон

қарори, Баданга қасдан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида б-сон қарори шулар жумласидандир. Олий суди Пленумининг тушунтиришлари “вақтинчалик норма”ги айланиб қолиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган бўлсакда, қайд этиш жоизки, айрим Пленумнинг тушунтиришларига оид қарорлари қонунлардан кўра узокроқ “умр кўрган”.

Хусусан, Олий суд пленумининг Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида 12-сон қарори 1998 йил 12 апрелда қабул қилинган бўлиб, қонун билан тартибга солиниши лозим бўлган процессуал масалалар ҳам пленум қарорида ёритиб ўтилган.

Хуқуқдаги бўшлиқлар шароитида суд қарорлари “вақтинчалик ҳуқуқий нормага” аланиши хусусида В.М. Жуйков шундай қайд этади: Хуқуқдаги бўшлиқлар ҳар доим энг барқарор қонунчилик тизимларида ҳам бўлган, мавжуд ва бўлади, чунки ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиласидан ҳамма нарсани олдиндан қўриш объектив равишда мумкин эмас. Бундай шароитда суд амалиёти кўпинча ҳуқуқ манбасига айланади. Судлар қонун аналогияси ёки ҳуқуқ аналогияси асосида айрим тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ишлаб чиқишга мажбурдир[6; 23-б.].

Бироқ мазкур фикр назарий жиҳатдан айрим ўзига хос ҳақиқатларига эга бўлсада, кўшилиб бўлмайди. Чунки суднинг ҳуқуқ ижодкори сифатида фаолият юритиши қонунийлик принципига зид бўлиб, бу ўз-ўзидан қонун чиқарувчининг ҳам обрўсига путур етказади.

Суд фаолиятининг асосий мақсади ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиқаришга ихтисослашмаган. Бироқ амалиётда Пленум қарорлари бир неча йиллардан бери норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қўлланилиб келаётган ҳолатлар йўқ эмас. Шу боис ҳокимиятларнинг бир-бирини тииб туриш, мувозанатда ушлаш ва энг муҳими қонунийлик мезонларини таъминлашда Пленум қарорларини (тушунтиришларини) конституциявийлиги масаласини ҳам Конституциявий суд томонидан назорат қилиш амалиётини жорий этиш лозим. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, баъзан қонун мукаммал бўлмаслиги, унда тавофтлар бўлиши ҳамда ҳуқуқдаги бўшлиқлар мавжуд бўлган ҳолатлар бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатларда судларнинг қарорлари ҳуқуқ манбаси сифатида асосий ўринга чиқиши табиий ҳолат. Бироқ Олий суд Пленуми қарорларининг ҳам Конституция ва қонунга мувофиқ бўлиши, уни чегарасидан чиқмаслиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидаларга тўла риоя этилишини олий назорат – конституциявий назорат қилиш орқали мувозанатга эришиш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида шуни қайд этиш жоизки, Олий суд Пленуми суд амалиётининг долзарб масалаларини кўриб чиқади ва

қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар беради. Мазкур тушунтиришлар муайян масалани аниқлаштиришга, ёритишга қаратилган. Бу турдаги қарорлар ўз мазмунига кўра ҳукуқни қўллаш хужжатлари ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда, амалиётда Олий суд Пленумининг қонун билан тартибга солинмаган, ёки қонун билан тўлиқ қамраб олинмаган масалалар юзасидан қарорлари янги нормалар ўрнатиш хусусиятига эга эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу боис Олий суд Пленуми қарорларини ҳукуқ манбалари тизимидағи ролини қайта қўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Ўз-ўзидан мазкур қарорлар устидан конституцияга мувофиқлиги юзасидан конституциявий назоратни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда таклиф этилаётган ислоҳотлар Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конституциянинг устунлигини таъминлашга оид фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишига имкон яратади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Боннер А. Т. Источники советского гражданского процессуального права. М., 1977. С. 19.
2. Демидов, В.В. «Адвокатские вести» / В.В. Демидов // Обязательны ли для судей разъяснения постановлений Пленума Верховного Суда РФ? - 2004. — № 6. — С. 3-5
3. Акаёмова Н.В., Чейшвили М.З. Место судебных разъяснений высших судов в источниках права, как способа обеспечения единообразия толкования и применения норм права. Проблемы экономики и юридической практики. 2/2017. file:///C:/Users/Acer/Downloads/mesto sudebnyh-razyasneniy-vysshih-sudov-v-istochnikah-prava-kak-sposoba-obespecheniya-edinoobraziya-tolkovaniya-i-primeneniya-norm-prava.pdf
4. Евстигнеева Г.Б. Судебные решения как источник права. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М.:2007. С. 24.
5. Худолей К. М. Полномочия Конституционного Суда РФ : проблемы теории и практики конституционного правосудия // Вестник Пермского ун-та. Юридические науки. 2011. Вып. 2 (12). Татаринов С.А. К вопросу о расширении полномочий Конституционного Суда Российской Федерации по рассмотрению и разрешению дел в связи с жалобами граждан // Конституционное и муниципальное право. 2011. № 6. С. 46.

6. Жуйков В. М. Роль разъяснений Пленума Верховного Суда Российской Федерации в обеспечении единства судебной практики и защиты прав человека // Комментарий к постановлениям Пленума Верховного Суда Российской Федерации по гражданским делам. М., 1999. С. 5–23.